

Инсон аҳли оиласи учун, ёки факир ва мискинларга садака килиш учун, ва ҳақозо турли сабабларга кўра хайвон сўйиб туради. Барча ишларда бўлгани каби бу борада ҳам муқаддас динимизда сўйишга тегишли одоб ва ҳукмлар белгилаб берилган. Муслмон киши мазкур ҳукмларга амал килиши ва одобларига риоя этиш лозим бўлади. Куйида сўйувчи ва сўйиладиган хайвонга оид бўлган одоб ва аҳкомларни баён қиламиз.

“Забх”нинг таърифи ва ҳукми

"Забх"нинг асл маъноси "ёриш"ни англантиб, сўнгра бу сўз бўйин билан бош ўртасидан халқумни кесишга истеъмол қилинган.

Забх – хайвоннинг ҳалол бўлишига олиб борадиган амал бўлиб, уни бизнинг тилимизда "сўйиш" сўзи ифода қилади.

Араб тилида хайвонни сўйишга “забх”, сўйиладиган хайвонга “забиха” дейилади.

Гўшти ейиладиган хайвонлар ҳалол бўлиши учун улар шариат кўрсатмаларига мувофиқ сўйилган бўлиши шартдир. Моёда сурасининг 3-оятда сўйишнинг шарт экани баён қилинган.

﴿سَمِيًّا مِّمَّنْ ذَكَرْنَا لِلسَّلَامَةِ﴾
 ﴿الَّتِي هِيَ مِنْ بَيْنِ أُمَّمَاتِنَا﴾
 ﴿وَالْحَلَالِ﴾

Яъни “Сизларга ўлимтик, кон, чўчка гўшти, Аллоҳдан бошқанинг номи ила сўйилган, бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган, йикилиб ўлган, сузиб ўлдирилган, йирткич еган хайвонлар ҳаром қилинди. Магар (ўлмаёт туриб) сўйиб олинган ҳалол”.

Ушбу ояти қаримада гўшти ейиладиган хайвонларни тириклигида сўйиб олиш шарт қилинган. Чунки сўйиш сабабли нажас кон тоза гўшдан ажраб чиқади. Шунга кўра гўштининг ҳалол ва поклиги собит бўлади. Гўшти ейилмайдиган хайвонларнинг гўштини ейиш ҳалол бўлмасда, фақат поклиги собит бўлади. (Яъни, улардан ейишдан бошқа нарсаларга фойдаланса бўлади)

Шариатда хайвонни сўйувчига ҳам бир канча шартлар қўйилган. Аввало қасб муслмон ёки аҳли китоб бўлиши шарт. Аҳли китоб бўлганда зимий бўлса ҳам, ёки қуфр диёрида яшайдиган харбий аҳли китоб бўлса ҳам унинг сўйиши ҳалол бўлади. Бунга қуйидаги оят далил бўлади.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا ذَبَحْتُمُ الْبَهَائِمَ فَلْيُذَبِّحْهَا بِلِسَانِكُمْ وَلَا تَرْجُمُوهُنَّ وَلَا تَبْلُغُوهُنَّ بِالْأَعْيُنِ وَلَا يُمْشِكُمْ عَنْهَا﴾

Яъни: “Китоб берилганларнинг таоми сизлар учун ҳалолдир. Сизларнинг таомингиз улар учун ҳалолдир.”

Ушбу ояти қаримадаги аҳли китобларнинг “таоми”дан мурод уларнинг сўйган хайвонларидир. “Китоб берилганлар”дан мурод яҳудий ва насронийлардир. Аҳли китобларнинг барча таоми, жумладан уларнинг чўккаси ва ҳамр (ҳаром ичимликлар)и ҳам ҳалол экан-да, деб тушунилмаслиги керак. Балки, улар шариатимизда гўшти ейилишига рухсат берилган хайвонларни тоза ва покиза қилиб сўйсалар бизга ҳам ҳалол бўлади, деб тушунилади.

Аmmo мажусий, муртад ва будпарастларнинг сўйган хайвонлари ҳаромдир.

Мажусийнинг сўйган хайвони ва никоҳ тўғрисида Расулulloҳ са.в.дан ушбу ҳадис ривоят қилинади.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا ذَبَحْتُمُ الْبَهَائِمَ فَلْيُذَبِّحْهَا بِلِسَانِكُمْ وَلَا تَرْجُمُوهُنَّ وَلَا تَبْلُغُوهُنَّ بِالْأَعْيُنِ وَلَا يُمْشِكُمْ عَنْهَا﴾

Имом Бухорий Жаъфар ибн Мухаммаддан, у отасидан ривоят қилади. Умар ибн Хаттоб “Мажусийларни гапира туриб: Уларнинг ишида (улардан жия олишда) нима қилишни билмаяпман, дедилар. Шунда Абдурахмон ибн Авф: Мен Расуллуллох с.а.в.дан мажусийлар тўғрисида: “Уларга (мажусийларга) ахли китобларнинг йўлларини тутинглар, фақат аёлларини никоҳга олиш ва сўйган хайвонларини ейиш бундан мустаснодир.” деганларини эшитганлигимга гувоҳлик бераман, деди. Бухорий чиқарган. Ушбу ҳадисдан мажусийлардан жия олиш ахли китоблардан жия олишга ўхшашлиги, аммо ахли китобларнинг сўйган хайвонлари ҳалол, мажусийларнинг сўйган хайвонлари эса ҳаром экани маълум бўляпти.

Баъзи уламолар тавҳидни даъво қилувчи насроний динидаги киши агар Масийх алайҳиссаломни илоҳ ёки Аллохнинг ўгли деб эътиқод қилса, унинг сўйган хайвони ҳалол бўлмайди, деганлар.

Сўйишда Аллох исмини зикр қилиш баёни

Хайвонни сўйишда “басмала” айтиш касддан тарқ қилинса, сўйилган хайвон ўлимтик ҳукмида бўлиб қолади. “Басмала”ни тарқ қилишдаги ҳукмда мусулмон ва ахли китоб баробардир.

Сўйишга қудрати етган ва хайвонни сўйиш билан ҳалол қилинишига ақли етган ёш боланинг, мажнуннинг, мастнинг ва аёл кишининг сўйган хайвонлари ҳалол ҳисобланади. Агар ёш боланинг, мажнуннинг ва бошқаларнинг сўйишга ва “басмала” айтишга ақли етмаса ҳалол бўлмайди. Аммо унутган ҳолда “басмала” айтилмасдан сўйилган хайвон ҳалолдир.

□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□

“Умматимдан хато ва унитиш кўтарилди.” Тобароний ривояти.

Басмала айтиш вақти

Басмала айтиш вақти сўйиш вақтидир. Агар басмала айтгандан сўнг бошқа бир амалга киришса, киришган амали сув ичишга ўхшаш ё бирор инсонга жавоб беришга ўхшаш оз бўлса, басмалага ҳалол бермайди ва сўйилган хайвон ҳалол бўлади. Агар басмаладан кейинги амали кўпайиб кетса, яъни таҳорат микдорича чўзилса ҳалол бўлмай қолади. Ётқизилган кўйга басмала айтилса, сўнгра кўй ўрнидан туриб кетиб бир муддатдан сўнгра яна ўша кўйни сўйиш учун ётқизилса, ҳалол бўлиши учун басмалани яна айтиш шарт бўлиб қолади. Хайвонни сўйиш олдидан айтилган басмала шу сўйилаётган хайвонга хос бўлади. Ов қилишда эса овнинг асбобига хос бўлади. Шунга кўра бир кўй ётқизиблиб унга басмала айтилса, сўнгра ўша басмала билан бошқа кўй сўйилса ҳалол бўлмайди. Аммо басмала айтиб нишонга олган ов асбоби билан нишонидан бошқа овни овласа ҳам хайвон ҳалол бўлади. Агар қассоб бир кўйни ётқизиблиб басмала айтса сўнгра кўлидаги пичокни кўйиб бошқа пичок билан сўйса ҳалол бўлади. Чунки баён қилинганидек басмала сўйиш асбобига эмас балки, сўйиладиган хайвонга айтилади.

Басмала лафзи

Қассоб “Басмала”ни “Бисмиллаҳ, Аллоҳу акбар” деб айтади. Агар Аллоҳ исмига бошқа исми атоқ қилиб айтса, сўйилган хайвон ҳаром бўлиб қолади. Масалан: “Бисмиллаҳи ва Мухаммадир Расуллуллоҳ” деса, яъни Мухаммад исмининг эъробини жар қилиб айтса, сўйилган хайвон ҳалол бўлмайди.

Агар Аллоҳ исмига бошқа исми атоқ қилмасдан, орқасидан келтирса макруҳ бўлади. Масалан: Қассоб “Бисмиллаҳи ва Мухаммадан Расуллуллоҳ” деса яни Мухаммад қалимаси эъробини насб қилиб ёки “Мухаммаддур Расуллуллоҳ” деб раф қилиб, ёки “Бисмиллаҳи

Аллохумма такоббал минний” деса ҳалол бўлади, лекин сўйишда Аллох исмининг орқасидан бошқа исми келтиргани учун макруҳ бўлади. "Басмала" айтишдан ва хайвонни ёткизишдан олдин айтилган дуолар "Басмала"га ҳалал бермайди.

Сўйишда кесиладиган томирлар

Ихтиёрий ҳолатда хайвон кўкраги ва халкумининг орасидан сўйилади. Зарурий ҳолатларда имкон етган жойни жароҳатлаш билан сўйиш ҳосил бўлади. Ихтиёрий ҳолатдаги сўйишда кесилиши лозим бўлган томирлар тўрттадир:

Халкум яъни нафас юрадиган кекирдак, кизил ўнгач ва иккита кон томир. Ушбу тўрт томирдан қайси учтасини бўлсада, хайвоннинг тириклигида кесилса, ҳалол бўлади. Бу Имом Абу Ханифа раҳматуллоҳи алайҳнинг қарашларидир. Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ эса, халкум, кизил ўнгач ва иккита кон томирнинг бирини кесилишини шарт қилганлар. Чунки кон томирни кесишдан мақсад конни оқиши ҳисобланади. Кон оқиши эса, икки кон томирнинг бирини кесиш билан ҳосил бўлади. Иккаласидан қайси бири кесилса ҳам дуруст бўлаверади. Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ эса ушбу кесилиши лозим бўлган тўрт томирдан ҳар бирининг кўпроги кесилса, ҳалол бўлади деганлар. Агар кўпроги кесилмаса ҳалол бўлмайди дейдилар.

Сўйиш асбоблари

Сўйиш асбоби ўткир тиг бўлиши мустаҳаб саналади. Лекин ҳалол бўлиши учун темир бўлсин, тош бўлсин кон оқиладиган ҳар бир ўткир нарса билан сўйиш жоиз бўлади. Аммо жойида турган тиш, тирнок ва шохлар билан сўйилган хайвон ҳалол бўлмайди. Чунки бунда хайвон бўғиб ўлдирилган ҳукмида бўлиб қолади. Аммо тиш, тирнок ва шохлар жойидан кўпориб олинган бўлса, бу асбоблар билан сўйилган хайвон макруҳлик билан ҳалол бўлади. Сўювчи сўядиган хайвонни ёткизишдан олдин пичоқларини ўткирлаб олиши мустаҳаб бўлади. Аммо ёткизгандан кейин ўткирлаш макруҳ бўлади.

Сўйиладиган хайвонда бўлиши лозим бўлган шартлар

1. Хайвоннинг сўйиш вақтида тирик бўлиши.
2. Хайвоннинг жони сўйишнинг ўзи билан узилиши. (яъни, йикилиш, сувга тушиб ўлиш каби бошқа сабаблар билан ўлмаган бўлиши керак.)
3. Сўйиладиган хайвон ҳарамнинг ови бўлмаслиги.

Сўйиш вақтида хайвоннинг тирик бўлиши имом Абу Ханифа раҳматуллоҳи алайҳ наздида сўйишдан олдин оз муддат бўлса ҳам хайвонда тириклик аломатининг борлиги ва агарчи хайвон касал бўлиб унинг тириклигидан факатгина сўйиш муддати қолган бўлсада, ҳалол бўлишига қифоя қилади. Шундай ҳолатда сўйган кишининг хайвони ҳалол саналади.

Бунга ушбу оят далил бўлади:

Яъни, "Магар (ўлмаётган) сўйиб олсангиз (ҳалол)" Моида-3

Сўйишдан олдин унинг тириклиги аниқланган бўлса, сўйгандан кейин унинг кимирлаши ёки ундан кон чиқиши шарт эмас.

Агар хайвон касал ёки бўғилган ёхуд бошқа бир хайвон сузганлиги ё шунга ўхшаш сабабга кўра унинг тириклиги номаълум бўлиб сўйилса, натижада у ҳаракатланса, яъни, кимирласа, ёки ундан (одатдагидек) кон чиқса, бу унинг сўйишдан олдин тирик бўлганига далилат қилади ва у ҳалол бўлади.

Бу ўриндаги унинг ҳаракатланишидан мурод, сўйилгандан сўнг унинг оғзини ёпиши, кўзини юмиши, оёғини йиғиштириб олиши, баданидаги тукларнинг тикка туришидир. Аммо сўйилгандан сўнг оғизнинг очилиши, кўзининг очилиши, оёқларининг чўзилиши, тукларининг ётиши сўйишдан олдин унинг тирик эканига далилат қилмайди ва у ҳалол

бўлмайди.

Чунки хайвон ўлиши билан унинг бўғим ва пайлари бўшашади. Шунинг учун огзи ва кўзининг очилиши, оёгининг чўзилиши, тукларининг ётиши унинг аввал ўлганидан аломатдир. Буларнинг акси эса тирик хайвонга хос бўлган ҳаракатлар бўлиб, унинг тириклигига далолат қилади.

Бу ўриндаги кон чикишдан мурод, одатда тирик хайвонни сўйган пайтдаги каби кон чикишдир.

Хулоса шуки, сўйилган хайвоннинг гарчи сўйишдан олдин унинг тириклиги маълум бўлмаса-да, лекин у сўйилгандан сўнг (кон чикса ҳам, чикмаса ҳам лекин) тирикликка далолат қиладиган даражада кимирласа, ёки кимирламаса-ю, аммо одатдагидек кон чикса унинг истеъмоли ҳалол бўлади.

Бу бизнинг ханафий мазҳабимизда фатво учун ихтиёр килинган қавлдир.

Хайвоннинг жони сўйишнинг ўзи билан узилиши масаласи “Бадоиъ...” соҳиби Алоуддин Қасоний раҳматуллоҳи алайҳнинг қавлидир. У киши куйидагича айтади: Ибн Самоъа ўзининг “Наводир” асарида имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилади: Агар бир киши кўйни иккига бўлса, кўйнинг боши ҳаракатланиб турган пайтда бошқаси уни (одатдагидек) кон томирларидан сўйса, ёки бир киши кўйнинг қорнини ёриб ичидаги нарсаларни чиқарса, бошқаси эса томирларидан сўйса, буларни ейиш ҳалол бўлмайди. Чунки аввалги иш қотиллик яъни, хайвонни сўйиш эмас, балки ўлдиришдир.

Имом Қудурий раҳматуллоҳи алайҳ бу масаланинг иккита кўриниши борлигини зикр қилган:

1. Агар кўй думбага яқин жойидан (яъни, юракдан паст жойдан) иккига бўлинса, унинг истеъмоли ҳаром бўлади. (Чунки кесилиши лозим бўлган томирлар кесилмай қолади.)
2. Агар кўй бошига яқин жойидан иккига бўлинса, ҳалол бўлади.

Чунки кесилиши шарт қилинган томирлар юракдан димоғча туташ бўлгани учун улар бундай иккига бўлишда кесилган бўлади. (албатта “басмала” билан.)

Сўйишнинг суннат ва одоблари

1. Сўйишда ниятни тўғри қилсин. Яъни, сўяётган хайвони қурбонлик бўлсин, ёки назр бўлсин, ёхуд аҳлига таом улашиш мақсадида бўлсин, Аллоҳдан савоб умид қилиб сўйсин. Шунингдек сўйиш одобига риоя қилишда ҳам Аллоҳ таолодан савоб умидида бўлсин.
2. Сут бериб турган хайвонни сўймасин. Яъни, сути ичилиб фойдаланиб турилган хайвонни сўймасин. Чунки Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Сут берадиганини сўймагин”, деганлар. Бу одоб бизга исломнинг мусулмон киши фойдаланиши мумкин бўлган нарсадан маҳрум бўлмасликка ҳарис эканини кўрсатади.
3. Бир хайвоннинг олдида бошқасини сўймаслик. Товуқ бўлсин, ёки ўрдақ, ёхуд бирор хайвонни бошқа шерикларига кўрсатиб сўймаслик керак. Чунки бу нарса уни кўрkitиб кўяди, ўлимнинг оғриқларини унга зиёда қилади. Хусусан боласини онасининг олдида, онасини эса боласининг олдида сўймаслик лозим. Бу нарсалар раҳимсизликнинг белгиларидандир.
4. Пичок ёки қилич каби тиги ўткир асбоб билан сўйиш лозим. Ўтмаси билан сўймаслик керак. Булар пайгамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу сўзига ҳилоф бўлади: “Забҳасини (яъни, сўядиган хайвонни) оромлантирсин” Муслим ривояти. Чунки пичокнинг тиги қанчалик ўткир бўлса, хайвонга шунчалик раҳим қилинган бўлади.
5. Сўйиш амалини тезлик билан бажарсин. Бунда ҳам хайвонда ором олиш бўлади.
6. Сўйувчи ва сўйиладиган хайвоннинг бўғизланиши қибла тарафга қараган бўлсин.

Чунки кибла Аллох таолога тоат учун рағбат килиб юзланадиган тарафдир. Ибн Умар розияллоху анху кибладан ўзга тарафга қараб сўйилган гўшдан ейишни хуш кўрмасди.

7. Пичокни сўйилувчи хайвонни ётқизмасдан олдин ўтқирлаб олиш. Хайвонни сўйишга ётқизгандан сўнг пичокни ўтқирлаш макрухдир.

Имом Ҳоким раҳматуллоҳи алайҳ Ибн Аббос розияллоху анхундан ривоят қилганлар: “Бир киши кўйни сўйишга ётқизди. Ва у пичокни ўтқирлаб турарди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам унга: “Уни ўлимлар билан ўлдиришни истадингми, пичогингни уни ётқизишдан олдин ўтқирламайсанми?”, дедилар.

8. Хайвонни чап тарафи билан мулойим, шафқат ила ётқизишлик. Уни каттик йикитмаслик, сўйиладиган жойга судраб олиб бормаслик.

9. Хайвонни сўйиладиган жойга охиста, мулойимлик билан хайдаб бориш.

10. Сўйишдан олдин хайвонга сув бериш.

11. Агар хайвон қурбонлик каби бирор қурбат учун сўйиладиган бўлса, тасмия айтишдан олдин уч марта такбир айтиб, сўнгра “Аллохумма хаза минка ва илайка, фа такоббалху минний”. Яъни, “Аллоҳим бу Сендан, ва Сенгадир. Буни мендан қабул қилгин”, десин ва “Басмала” айтсин.

12. Сўйувчи сўйишни ўнг кўли билан бажарсин.

13. Сўйишда ҳаддан ошиб кетмасин. Яъни, хайвон ҳаракатдан тўхтаб тинчланмагунча орқа миясигача ёки бошини узиб юборгудек кесмасин, ёхуд бўйнини синдириб юбормасин, терисини шилишга ҳам қиришмасин. Чунки булар хайвонга оғриқни зиёда қилади.

14. Кундузи сўйиш. Сўйиш одобларида камчиликларга йўл қўйиш мумкинлиги сабабидан тунда сўйиш Ханафий мазҳабимизга кўра макруҳи танзихий ҳисобланади.

Сўйишликда макруҳ бўлган ишлар.

1. Кибладан бошқа тарафга юзлантириб сўйиш. Чунки бундай сўйиш суннатга хилоф бўлади.

2. Кўйни боғламасдан, ётқизмасдан сўйиш. Туяни эса ётқизиб сўйиш. Чунки бундай сўйиш суннатга хилоф бўлиб қолади.

3. Сўйишда хайвонга азоб бериш. Бошини бутунлай узиб юбориш, бўйнини синдириш каби.

4. Хайвонни сўйиладиган жойга судраб олиб бориш.

5. Хайвонни боғлаб қўйиб ёнида пичокни ўтқирлаш.

6. Сўйишни бошқа хайвонларга кўрсатиб амалга ошириш.

7. Хайвон ҳаракатдан тўлиқ тўхтаб, тинчланмасдан орқа миясигача ёки бошини узиб юборгудек кесиб юбориш, бўйнини синдириш, терисини шилишга қиришиш.

8. Одатда сўйиш асбоби ҳисобланмайдиган тиш, тирнок ва суяк қабилар билан сўйиш. Аммо ушбу нарсалар танадан ажраган бўлиши шарт. Агар ажрамаган бўлса мазкур нарсалар билан сўйилган хайвон гўшти ҳалол бўлмайди.

Сўйувчининг хизмат ҳақи

Сўйувчи хайвонни сўйиб бергани учун хайвон эгасидан ҳақ олиши жоиздир. Фақат унинг оладиган хизмат ҳақи хайвоннинг бирор бўлаги бўлмаслиги керак. Масалан сўйиб берганим ҳақига гўшtidан бир кг ёки қалла-почасини ёхуд терисини оламан дейиши мумкин эмас.

Хизмат ҳақини ушбу тарзда олишнинг фосид бўлиш сабаби қуйидаги ҳадисга биноандир: Абу Яъло Мавсий ўзларининг “муснад”ларида Абу Саъид Худрий розияллоху анхундан ривоят қилганлар “Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам эркак хайвон уругига ижара

хаки олишдан (яъни, эркак хайвонни урчитишга бериб ҳақ олишдан) ва тегирмончининг кафийзидан (яъни, теригмончи янчиб берган бугдойининг унидан маълум микдорини иш хаки сифатида олиб қолишдан) кайтардилар.

Бир киши бугдойни янчиш учун хўкизини унинг богдойидан чиккан унидан хўкиз эгасига бир кафиз ун бериш шarti билан ижарага олиши ёки бир инсонни янчган бугдой унининг ярми, ёки учдан бирини хизмат хаки килиб беришдир. Бу ва бунга ўхшаш ақдлар фосиддир. Бу нарса жоиз бўлиши учун бугдой эгаси бу бугдойдан демасдан, мутлок яхши бугдойдан бир кафиз беришни шарт килиши ёки яхши ундан бу бугдойнинг тўртдан бири микдорича беришни шарт килиб келишидир. Чунки, иш хаки учун келишилган ун айнаи бугдойга (яъни, айнан шу бугдойга) нисбат берилмаса, хизмат ҳақки зиммага қарз бўлиб собит бўлади. Хизмат ҳақки мислий бўлмаган нарсаларда унга ишора килиб кўрсатиш билан ва мислий бўлган (яъни, тарозу ёки маълум идишда ўлчанадиган нарсалар) нарсаларда зиммада қарз бўлиб собит бўлади. Сўнг (яъни, ақд дуруст бўлиб, хизмат ҳақки зиммада собит бўлгандан сўнг) хоҳласа ана шу бугдой унининг тўртдан бирини берса жоиз бўлади. (Мухит китоби мана шундай зикр қилинган.)

Агар таомни яъни, бугдойни ўша бугдойдан бир курс (ўлчов бирлиги) ёки бир дирхам ҳамда ўша бугдойдан бир кафиз баробарича хизмат хаки беришга ёки кассобнинг кўй сўйиши учун бир дирхам ҳамда ўша кўйнинг гўшtidан бир ратл (ўлчов бирлиги) баробарича хизмат хаки олишга келишиши фосиддир. (Гиёсийя китобидан.)

Агар қунжутни тегирмончига янчиб берганига унинг ёгидан баъзисини хизмат хаки килиб бериш шarti билан ёки кўйни кассобга унинг гўштининг баъзисини хизмат хаки килиб бериш шarti билан сўйишга берса, ақд жоиз бўлмайди. (Хизонатул муттакийн китобидан.)

Гўшни маълум нарҳда сотиб олгани учун кассобнинг калла-поча ва териларни текинга олиб кетиши ҳалол бўлмайди. Чунки калла-почани эвазсиз олган бўлади. Бу ақд билан гўшtnинг савдосига фосид шарт аралашган бўлиб, гўшtnинг савдоси ҳам фосид бўлади. Ақд тўғри бўлиши учун гўшtnи ҳам, калла-почани ҳам қийматидан катъий назар

савдолашиб олиш лозим бўлади.

Гўшти ейилмайдиган хайвонлар

Озик тишлари ёки тирноклари билан ов қиладиган хайвонлар гўшти ейилмайдиган хайвонлар ҳисобланади. Чунки ҳадиси шарифда “Расулulloх соллalloху алайхи васаллам ҳар бир озик тишли йирткич хайвонни ейишдан қайтардилар.” дейилган. Мазкур озик тишли йирткич хайвонларни уламоларимиз одатда тиши ёки тирноги билан ов қилиб яшайдиган шер, йўлбарс, бургут ва калхат каби хайвонлардир деганлар. Шунингдек, “Уларга нопок нарсаларни ҳаром қиладиган” (Аъроф 157) маъносидаги оятга биноан курт-кумурска, сичкон, илон, чаён, суварак, ари, курбака, типратикон, бурга, пашша, тошбака каби нопок хайвонларни ейиш ҳаром ҳисобланади. Сиртлон ва тулкилар ҳам ейилмайди.

Гўшти ейилмайдиган хайвонлар (чўчка ва одамдан ташкари) шаръий сўйиш қоидаларига риоя қилиб сўйилган бўлса, уларнинг терилари, жунлари, ёгларидан фойдаланиш мумкин. Масалан ит шариатга мувофиқ ҳолатда сўйилса, унинг гўшти ё ёғини ейиш ҳалол бўлмаса-да, терисидан ошлаб ё ошламасдан маҳси қилиб қийиш, ёғидан баданга суртиб фойдаланиш мумкин.

Куруклик тошбакаси ҳам, денгиз тошбакаси ҳам ейилмайди.

Шер, киргий, тулки, калхат, айик, бўри, сувсар, олмахон, карчигай, сиртлон, курбака, бургут, гўнқарга, фил, йўлбарс, бўрсик, маймун, типратикон, коплон, мушук, жайралар каби озик тишлари ва тирноклари билан ов қиладиган ёки нопок нарсалар тахтига қиладиган барча хайвонларнинг гўштлири ейилмайди.

Ўлакса ейдиган олақарга ейилмайди. Чунки у ҳам оятда баён қилинган нопок нарсалардан ҳисобланади.

Карга уч турли бўлади:

1. Фақат дон ейдиган ўлакса емайдиган карга. Бундай қаргани ейиш макруҳ эмас.
2. Ўлакса ейдиган карга. Бундай қаргани ейиш мумкин эмас.
3. Гоҳида дон, гоҳида ўлакса ейдиган карга. Бундай қаргани ейиш имом Абу Юсуф наздларида макруҳ.

Зобб гўшти ейилмайди. Уни ейиш жоизлиги тўғрисидаги ривоятлар исломнинг аввалига “Уларга нопок нарсаларни ҳаром қиладиган” маъносидаги оят нозил бўлишидан олдинги вақтларга ҳам қилинган.

Сув хайвонларидан балиқдан бошқасини ейиш мумкин эмас. Балиқ бирор офат билан ўлган бўлса ҳам ейилаверади. Аммо “Тофий” яъни, ўзи ўлиб сув юзасида қорни юқорига қараб қолган балиқлар ейилмайди.

Нажосат еб қўйган сигир ё туяларни қанча муддатдан сўнг сўйиш мумкинлигида ихтилоф қилинган. Бундай хайвонни ундан нажосат хиди кетгунича ушлаб туриб кейин сўйиш лозим деган қараш бу ихтилофлардаги энг қувватли қараш ҳисобланади.

Гўшти ейиладиган хайвонлар

Гўшти ейиладиган хайвонлар деганда шаръат ман қилмаган, “Уларга нопок нарсаларни ҳаром қиладиган” маъносидаги оятнинг тахтига қирмайдиган қўй, эчки, қора мол, туя, зебра каби барча хайвонлар тушунилади.

От гўштини ейиш жоиздир.

Қуён гўштини ейиш жоиз ҳисобланади. Чунки Расулulloх соллalloху алайхи васалламга пиширилган қуён гўшти ҳадя қилинганда ундан еганлар ва асхобларини ҳам ейишга буюрганлар. Зеро қуён йирткич ҳам, ўлакса ейдиган хайвон ҳам эмасдир.

Қуён гўштини ейишни саҳобалардан Абдуллох ибн Умар, тобеинлардан Иқрима,

фукаҳолардан Муҳаммад ибн Абу Лайлоларгина макруҳ санашган.
Сув хайвонларидан фақатгина балиқ ҳалол ҳисобланади.